O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 4 март, № 44 (3843) Шанба



Пойтахтимиздаги “Шарқ гули” масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган сўзана, попоп, гул кўрпа, палак, чойшаб ва турли ёдгорлик буюмлари ҳамиша харидоргирлиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга, жамоада янгиликка қўл уриш, сифат ва миқдор кўрсаткичларини ошириш анъанага айланган.

## «ШАРҚ ГУЛИ» хориж бозорларида

Мисол учун, корхонанинг қўли гул чеварлари фақат каштачилик билан чекланиб қолмай, улар тикаётган келин-куёвлар либоси ёшларга манзур бўлмоқда.

Ўтган йили жамият қошида “Шарқ модели” Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси ишга туширилди. Бу, ўз навбатида, маҳсулот тури ошишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, қўшма корхонада болалар ва ўсмирлар ҳамда катта ёшдагилар учун икки юз хилдаги трикотаж кийим-кечаклари ишлаб чиқарилаяпти. Муҳими, улар мамлакатимиз ички бозорини тўлдириш билан бирга, эҳтиёждан ортгани Россия, АҚШ каби давлатларга экспорт қилинмоқда.



**СУРАТЛАРДА:** “Шарқ модели” қўшма корхонаси каштачилик цехи фаолиятидан лавҳалар акс этган.

Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

## ҚАРОРИ

### Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида

“Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар резервга бўшатилсин.

2. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2006 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Давлат тест маркази билан биргаликда жойлардаги чақирув комиссияларининг самарали ишлашини ташкил қилсинлар, чақирилувчиларнинг сифатли ва холисона тиббий кўрикдан ўтказилишини, уларнинг маънавий-руҳий фазилатлари ва интеллектуал ривожланиш савияси қонунчиликда белгиланган танловнинг ҳарбий-касбий мезонларига қатъий мувофиқ равишда ўрганиб чиқилишини таъминласинлар;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда Қуролли Кучлардан резервга бўшатилган фуқароларни ишга жойлаштириш комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар, улар учун хизмат даврида эгалланган ҳарбий ва фуқаролик мутахассисликларини ҳисобга олган ҳолда иш жойлари олдиндан тайёрлаб қўйилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (Р.Мирзаев), Ички ишлар вазирлиги (Б.Матлюбов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов), ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 мартдаги “Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтариш тартиби тўғрисида”ги 84-сон қарори талабларига қатъий равишда муддатли ҳарбий хизматга чақирилишини, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилишни, шунингдек резервга бўшатилган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтаришни ташкил қилишни;

армияга кузатиш, ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ёшларни кутиб олиш маросимлари кенг жамоатчилик, фахрийлар, маданият арбоблари, артистлар жамоаларининг иштироки билан тантанали вазиятда ўтказилишини таъминласинлар. Бундай тадбирларни амалга ошириш армияга чақирилувчилар ва хизматни ўтаб келган ёшлар, уларнинг ота-оналари ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолиши, ёшларни маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш самарадорлигини оширишга ёрдам бериши керак.

5. Мудофаа вазири (Р.Мирзаев) шу йилнинг 1 июлигача муддатда:

мудофаа ишлари бошқармалари ва бўлимлари ўртасида 2006 йил баҳоридаги муддатли ҳарбий хизматга фуқароларни чақириш ҳамда ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшаш тадбирларини энг яхши ўтказиш мусобақаси якунларини чиқарсин;

мусобақа ғолибларини маънавий, моддий рағбатлантириш чора-тадбирларини назарда тутсин ва амалга оширсин. Фуқароларни ҳарбий хизматга чақириш, армия хизматини ўтаб бўлган ёшларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тадбирларини ўтказиш борасидаги вазифалар ҳамда қўйилган талабларнинг сифатли бажарилишини таъминламаган бўлинмалар ва уларнинг раҳбарлари ишига танқидий баҳо берилсин.

6. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (А.Ходжаев), Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Б.Алимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов)га чақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга тайёрлашнинг боришини, фуқароларни ҳарбий хизматга чақиришнинг амалга оширилишини, чақирув комиссиялари ишини, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматнинг ташкил қилинишини ва Қуролли Кучлардан резервга бўшатилган ҳарбий хизматчиларни жойларда кутиб олиш бўйича тантанали тадбирлар уюштирилишини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгаши Котиби М.Атаев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 3 март.

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИ СЕССИЯСИ

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг сессияси бўлиб ўтди.

Жўқорғи Кенгес раиси М.Ерниязов бошқарган сессияда сўзга чиққанлар Президентимизнинг Олий Мажлис Сенатининг яқинда бўлиб ўтган бешинчи ялпи мажлисидаги нутқида тилга олинган масалалар хусусида атрофлича тўхталдилар. Нутқда баён этилган вазифаларни кенг оммага тушунтириш, қонунлар ижросини таъминлаш борасида Жўқорғи Кенгес депутатлари олдида турган муҳим ишлар ҳақида фикр юритдилар.

Депутатлар янги таҳрирдаги “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қорақалпоғистон Республикаси қонуни лойиҳасини муҳокама этди. Шунингдек, мамлакатимизда 2006 йилнинг “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” деб эълон қилиниши муносабати билан Қорақалпоғистон Республикасида амалга ошириладиган ишлар дастури тасдиқланди. Сессияда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам муҳокама этилди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Т.Тангирбергенов ўз аризасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси вазифасидан озод этилди. Қорақалпоғистон Республикаси молия вазири лавозимида ишлаб келаётган Баҳодир Янгибоев Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси этиб тасдиқланди.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

## ТОШКЕНТГА ЙЎЛЛАНМА

***Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган анъанавий “Ташаббус-2006” кўрик-танловининг вилоят босқичлари ниҳоясига етиб бормоқда. Унда “Энг яхши тадбиркор”, “Энг яхши фермер” ва “Энг яхши ҳунарманд” каби асосий йўналишларда ғолиб деб топилганлар номи эълон қилиниб, уларга якунловчи босқичда қатнашиш ҳуқуқи берилмоқда.***

**НУКУС**

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган “Ташаббус-2006” танловининг Қорақалпоғистон босқичи якунланди.

Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган элликка яқин тадбиркор, фермер ва ҳунарманд ўз маҳсулотлари билан иштирок этди. Танлов доирасида ўтказилган кўргазмада халқ амалий санъати намуналари ва турли уй-рўзғор буюмлари, маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган истеъмол моллари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари намойиш этилди.

Танловнинг “Энг яхши тадбиркор” номинацияси бўйича Нукусдаги “Даврон- Нукус” хусусий корхонаси раҳбари Сайёра Матназарова ғолиб деб топилди. Тахтакўпир туманидаги “Таймбет” фермер хўжалиги раҳбари Сарсенбой Сейтназаров эса “Энг яхши фермер” дея тан олинди. Чимбой туманидаги “Ўтов” масъулияти чекланган жамияти раиси Нурман Исмоиловга “Энг яхши ҳунарманд” номинацияси бўйича ғолиблик насиб этди.

Ғолиблар “Ташаббус-2006” танловининг мамлакат босқичига йўлланма олди.

**АНДИЖОН**да тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандларнинг “Ташаббус-2006” кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 48 даъвогар — шаҳар ва туман босқичлари ғолиблари, шунингдек, танловдан ташқари ўз маҳсулотларини намойиш этган хусусий тармоқ вакиллари иштирок этди.

Йил сайин ўз фаолиятини ривожлантираётган фермерлар Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси майдончасида ўз ютуқларини намойиш этди. Улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда ўзлари етиштирган маҳсулотларни қайта ишлашни ҳам аста-секин йўлга қўймоқда.

Кўрик-танлов саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бораётганини кўрсатди.

Кўрик-танловда ҳунармандлар ҳам ўз маҳсулотларини намойиш этди. Сопол буюмлар, пичоқлар, мебель, либослар ва бошқа нарсалар танловга ташриф буюрганларнинг эътиборини ўзига жалб қилди. Танлов ҳайъати қилинган ишлар ва статистика кўрсаткичлари билан пухта танишиб чиққач, ўз қарорини чиқарди.

Асака шаҳридаги “Меридиан” хусусий фирмаси раҳбари Ж.Салоҳиддинов вилоятнинг энг яхши тадбиркори деб топилди. Ш.Йўлдошев (Шаҳрихон туманидаги “Эргашзода” хусусий фирмаси) иккинчи, Ш.Ҳакимов (Андижон шаҳридаги “Шуҳрат-Люкс” хусусий фирмаси) учинчи ўринни эгаллади. “Энг яхши фермер” номинациясида Марҳамат туманидаги “Шуҳрат” фермер хўжалиги раҳбари Т.Нуриев ғолиб чиқди. Ҳунармандлар орасида биринчи ўрин андижонлик К.Фозиловга насиб этди.

Шунингдек, яна 17 та номинация бўйича ҳам ғолиблар аниқланди. Ғолиб ва совриндорларга қимматли совғалар ва дипломлар топширилди.

А.ОРТИҚБОЕВ, С.ШУКУРОВ,
ЎзА мухбирлари.

Умуммамлакат марафони

## Оммавийликдан жаҳон майдонларига



*Инсон саломатлигини сақлашда спортнинг тутган ўрни нақадар муҳимлиги барчага маълум. Президентимиз ташаббуси билан Конституциямизнинг 12 йиллигига бағишлаб, “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз” шиори остида оммавий спорт ҳаракати — Умуммамлакат марафонига асос солинганди.*

Шундан сўнг мамлакатимизда асосий байрам саналарига бағишланган марафонлар бир неча бор уюштирилди.

Бу сафарги марафон Наврўз айёми ва соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланади. Кеча Маданият ва спорт ишлари вазирлигида ана шу муҳим спорт тадбирига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда тадбирга мутасадди бўлган ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Анжуманда таъкидландики, мазкур оммавий спорт ҳаракати хориж мамлакатлари вакилларида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Яқинда Россия ва Украина давлатлари вакиллари бу борада тажриба алмашиш истагини билдиришди. Марафоннинг республика босқичи 31 март куни бошланиб, 8 апрелда Шаҳрисабз шаҳрида якунланади. У уч — Наманган-Тошкент-Шаҳрисабз, Термиз-Бухоро-Шаҳрисабз ва Нукус-Бухоро-Шаҳрисабз йўналишларида ўтказилади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

## ЎЗБЕКИСТОН ЯГОНА ХИТОЙ ТАРАФДОРИ

Бир неча кун муқаддам Тайвань раҳбари Чэнь Шуйбянь Миллий бирлашув кенгаши фаолияти ва “Миллий бирлашув дастури”ни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Маълумки, Ўзбекистон ҳукумати 1992 йил 2 январь кунидаги Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида Дипломатик муносабатларни ўрнатиш тўғрисидаги қўшма коммюнике ҳамда 2005 йил 25 май кунидаги икки мамлакат ўртасида Дўстлик ва ҳамкорликнинг шериклик муносабатлари тўғрисидаги Шартномада қайд этилган ХХР ҳукуматининг Тайвань масаласидаги ёндашувини изчил ва қатъий равишда қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Мазкур ёндашувнинг асл моҳияти шундаки, ХХР ҳукумати бутун Хитой номидан вакилликни амалга оширувчи ягона қонуний ҳукумат бўлиб, Тайвань Хитой ҳудудининг ажралмас қисмидир. Бундай ёндашув ХХР ҳукумати ва халқаро ҳамжамиятнинг Хитойни тинч йўл билан бирлаштириш сиёсатига тўлиқ мос келади.

Ўзбекистонда “иккита Хитой” ёки “битта Хитой ва битта Тайвань”ни яратишга қаратилган ҳар қандай уринишлар, Миллий бирлашув кенгаши фаолиятини ва “Миллий бирлашув дастури”ни тўхтатиш тўғрисидаги қарор қораланади ва ХХРнинг бу масаладаги сиёсатига қарши йўналтирилган ҳатти-ҳаракатлар қабул қилинмайди.

Бу ёндашув 3 март куни Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Элёр Ғаниевнинг ХХРнинг Ўзбекистондаги элчиси Юй Хунцзюнь билан учрашуви чоғида изҳор этилди. Суҳбат давомида томонлар келажакда ҳам Ўзбекистон ва ХХР ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар ва бошқа соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ниятини яна бир бор таъкидладилар.

“Жаҳон” АА.

***Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази билан биргаликда Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги “Саид овул” фермер хўжалигида ғаллакорларнинг майса парваришига бағишланган кўргазмали семинарини ўтказди.***

## ҒАЛЛА ПАРВАРИШИГА ЭЪТИБОР

Анжуманда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ғаллачиликни ривожлантириш кенгаши раиси, суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институти директори Р.Сиддиқов, “Саид овул” фермер хўжалиги раҳбари М.Саломов мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан аграр тармоқни, хусусан, ғаллачиликни комплекс ривожлантиришга, деҳқонларни тезпишар, юқори ҳосилли уруғлик билан таъминлашга, аҳолини ўзимизда етиштирилган сифатли дон ва дон маҳсулотлари билан тўла таъминлашга алоҳида эътибор берилаётганини таъкидладилар.

Юртимизда бир миллион уч юз минг гектардан кўпроқ майдонда ғалла етиштирилмоқда. Ана шу майдонларнинг асосий қисми фермер хўжаликлари ихтиёрида. Анжуманда бугунги кунда деҳқонларнинг бутун диққат-эътибори униб чиққан ғалла майсаларини барча агротехника талабларига мувофиқ сифатли парваришлашга қаратилиши лозимлиги таъкидланди.

Маълумки, ғалла экилган майдонларда ўсимлик илдиз тизими жойлашган тупроқ қатламидаги зарур озуқа миқдори эрта баҳорда бирмунча камаяди. Шу боис экинни минерал ўғитлар билан озиқлантириш жуда муҳим аҳамиятга эга. Бунинг натижасида экин ривожи жадаллашади, кўчат қалинлиги ортади, турли касаллик ва зараркунанда ҳашаротларга чидамли бўлади. Муҳими, ҳар гектар ердан 6 центнергача қўшимча ҳосил олиш имкони туғилади.

Семинарда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**О.НОРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН УЧУН

***Мамлакатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқлар билан бирга ҳамон йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар хусусида атрофлича тўхталиб ўтдилар. Мавжуд муаммолар нималардан иборат эканлиги, уларни қандай бартараф этиш мумкинлиги хусусида ўзларининг аниқ йўл-йўриқ ва кўрсатмаларини бердилар. Маърузада билдирилган фикрлар, белгиланган устувор вазифалар барчамиз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.***

Маълумки, ҳар қандай давлатнинг иқтисодий юксалишида кичик бизнеснинг ривожи ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди. Шу боис бу соҳани тараққий эттирмай туриб, иқтисодий ўсиш, ишсизлик даражасининг пасайиши ва аҳоли даромадларини ошириш ҳақида ўйлаш бефойда. Маълумотларга қараганда, ҳозирда республикамиз аҳолисининг 15 миллион нафари меҳнатга лаёқатлилар сирасига киради. Уларни доимий иш ўрни билан таъминлаш кўп жиҳатдан тадбиркорларимизнинг ижобий фаолият кўрсатишига ҳам боғлиқ. Бугунги кунда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 65 фоиздан кўпроғи мазкур соҳада фаолият юритаётгани, янги иш ўринларининг 85 фоизи айнан кичик бизнес ҳиссасига тўғри келаётгани бунинг исботидир.

Эътиборлиси, бизда йилдан-йилга тадбиркорлик субъектлари эркин фаолият олиб бориши учун уларга ҳам иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан қулай шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Қабул қилинаётган фармону қарорларда асосий эътибор шу соҳани ривожлантиришга қаратилмоқда. Бироқ бу ҳужжатлар шунчаки номига эмас, балки уни амалиётда кенг татбиқ этиш мақсадида чиқарилаётганини, биринчи навбатда, тадбиркорларимизнинг ўзлари чуқурроқ англаб етишлари зарур. Шундагина муваффақиятлар салмоғи янада ошади.

— 2005 йилда четга маҳсулот экспорт қилиш ҳажми 11,5 фоизга ўсгани юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва иқтисодиётни модернизация қилишда эришилаётган ютуқларнинг муҳим натижаси, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай муболаға бўлмайди, — деб таъкидлади Президентимиз. — Айни пайтда умумий экспорт ҳажмида тайёр маҳсулот ва хизматлар улуши 50 фоиздан ошди. Бу эса ташқи савдода мустақиллик йилларида энг юқори кўрсаткич — 1,3 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги ижобий сальдога эришиш имконини берди. Натижада мамлакатимизнинг олтин валюта захираси 1,3 мартага кўпайди.

Бу рақамлар, шубҳасиз, ҳар биримизга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Лекин мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдалана олинмаётгани, айрим бюрократик тўсиқлар ёки ишни ташкил этишда муайян тажрибалар етишмаётгани боис кичик бизнеснинг экспортдаги улуши паст даражада — 7 фоизни ташкил этмоқда. Шунинг ўзиёқ бу борада ҳали кўп иш қилиниши зарурлигини кўрсатиб турибди.

Бир сўз билан айтганда, кичик бизнесни ривожлантириш мамлакатимизда энг устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган экан, бундан кўзланган асосий мақсад битта: иқтисодиётимизни янада тараққий эттириш, шу орқали халқимизга ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт тарзини яратиб беришдир. Зеро, «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун» деган пурмаъно ибора замирида ана шу эзгу мақсадлар мужассам эканлигини доимо ёдимизда тутмоғимиз даркор.

**Ёқутхон ҚОРИЕВА,**
**иқтисод фанлари доктори, профессор.**

## Ҳам билим, ҳам ҳунар ўрганишмоқда





*Андижон вилоятининг Олтинкўл тумани Оразий қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли 37-ўрта мактаб биноси бундан уч-тўрт йил бурун бутунлай яроқсиз ҳолга келиб қолган, синф хоналари етишмаслиги туфайли дарслар икки сменада ўқитиларди. Яқинда мактабнинг янги биноси қуриб ишга туширилди. Бундан ташқари, замонавий спорт зали ҳам ўқувчилар ихтиёрига топширилди.*

*Бугун мактабда кўплаб тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. Ўқувчилар устозларидан билим олиш билан бирга, зардўзлик, дурадгорлик, каштачилик сирларини ҳам ўрганишмоқда. Шунингдек, мактаб ўқувчилари туман ва вилоят миқёсида ўтказилаётган спорт мусобақаларида ҳам муваффақиятли иштирок этишмоқда.*

**СУРАТЛАРДА: мактабнинг янги биноси; бошланғич синф ўқитувчиси Ҳасанбой Собиров машғулот ўтмоқда.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

# «Сув балосидан асрасин...»

***Республикамиз Президенти жорий йилнинг 9 февраль куни имзолаган «Аҳоли ва ҳудудларни сел-тошқин ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори мамлакатимизда табиий ҳодисаларнинг олдини олиш ва улар келтириши мумкин бўлган зарарни камайтириш, оқибатларини тезкорлик билан бартараф этиш, муҳими, аҳоли ва ҳудуд муҳофазасини таъминлашнинг самарадорлигини оширишга қаратилди.***

**Қарор ва ижро**

Ҳужжатда бу ишларни амалга ошириш учун махсус ҳукумат комиссияси ташкил этиш белгилаб берилди. Ушбу юмушларга Фавқулодда вазиятлар, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Ички ва Ташқи ишлар, Молия ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамда «Ўзгидромет», Давлат геология қўмитаси, «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва пойтахт ҳокимликлари жалб қилинди.

Ушбу Қарорни самарали бажариш учун мутасаддилар амалга оширилиши лозим бўлган ишлар бандма-банд белгиланган. Хусусан, ҳужжатда хавф ва фавқулодда вазиятлар юзага келган ҳолатларда белгиланган вазифаларни бажаришга доим тайёр туриш, вақтинчалик ва доимий яшаш жойларига кўчирилган аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда бу ерларда санитария-эпидемиология назоратини таъминлаш каби муҳим ишлар қайд этилган. Қарорда белгиланган вазифаларни уддалаш учун молиявий таъминот масаласи ҳам алоҳида таъкидланди.

Айни пайтда мутассадди вазирлик ва ташкилотларда қарорда белгиланган вазифаларни самарали ижро этиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ишлари қизғин давом этмоқда. Хусусан, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (ФВВ) қошидаги Фуқаро муҳофазаси институти бош мутахассиси С.Ҳусанованинг берган маълумотига қараганда, бугунги кунда мазкур вазирликнинг барча тузилмаларида қайд этилган ишларни бажариш бўйича режалар тузилиб, уларни амалга оширишга доир фаолият олиб борилаяпти. Шу жумладан, Фуқаро муҳофазаси институтида Қорақалпоғистон Вазирлар Маҳкамасининг раиси, ўринбосарлари ҳамда вилоят, шаҳарлар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари учун ўқув машғулотлари ўтказилди. Унда қарорнинг мазмун моҳияти ва уни амалга ошириш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

Ушбу вазирлик Ўзбекистон Президентининг 2005 йил 28 февралдаги қарорини ижро этиш борасида ўтган йилнинг баҳор-ёз ойларида юзага келиши мумкин бўлган геологик ва гидрометеорологик жараёнлар билан боғлиқ кутилмаган вазиятларда фуқароларимиз ва ҳудудларни муҳофаза қилиш борасида фаол иш олиб борди. Сел келиши эҳтимоли бўлган жойлардан 6277 нафар одамни хавфсиз ҳудудларга кўчириб, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва керакли шарт-шароитлар яратиш мақсадида 103 та кузатув-назорат масканлари ташкил этди.

**Салим ДОНИЁРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Кейинги вақтларда аҳолини биринчи даражали тўловлар билан таъминлаш, яъни иш ҳақи, пенсия ва турли нафақаларни вақтида эгаларига етказиш масаласи ўз изига тушди. Боиси — нақд пулнинг банкдан ташқари айланишини қисқартириш устидан қатъий назорат ўрнатилди. Бунда, айниқса, солиқ идоралари томонидан амалга оширилаётган тадбирлар яхши самара бермоқда. Бу ҳақда Наманган вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Маҳамматжон МАҲАММАТОВ мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:*

# НАҚД ПУЛ ТУШУМИ НАЗОРАТДА

— Банк хазинасидаги нақд пул асосан савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси тушумларидан шаклланади. Савдо эса ҳалолликни ёқтиради. Мўмай пул олдида эс-ҳушини йўқотиб, нафси ҳакалак отган савдогарнинг фаолияти узоққа бормайди. Ҳаётда бунга мисоллар жуда кўп. Чортоқ тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари фаолиятида учраган бир ҳолат ушбу ҳақиқатнинг нақадар тўғрилигини яна бир карра исботлади. Уларнинг туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари билан «Қобул-Фозил» савдо-ишлаб чиқариш корхонасига қарашли бир қатор дўконларда ўтказган текширувлари натижасида савдодан тушган катта миқдордаги нақд пул кассага эмас, балки айрим олғирларнинг киссасига урилгани фош этилди.

Жумладан, 1-дўкон мудири Қобул Ёқубов банкка топширган 33 миллион 402 минг сўм тушум пули таҳлил қилинганда, унинг 15 миллион 220 минг 350 сўми назорат-касса машинасига кирим қилинмагани ойдинлашди. 2-дўкон эгаси Аъзамжон Ҳидоятов эса ҳамкасбидан анча «устомонроқ» экан. Ушбу шохобча номидан банкка топширилган 36 миллион 120 минг 714 сўм пулнинг атиги 7 миллион 325 минг 233 сўмигина касса аппаратидан ўтказилибди, холос. Боз устига, бу дўконда чакана савдо билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олинмасдан, 13 миллион 100 минг сўмлик товар айланмасини амалга ошириш орқали ноқонуний равишда 349 минг сўм даромад қўлга киритилганлигига нима дейсиз?

**Солиқ тизими**

Аслида ҳар икки дўкон мудири ҳам бундай ишлар мавжуд тартиб-қоидаларга, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларига зид эканлигини жуда яхши билишарди. Таажжубки, улар буни била туриб, қинғир ишга қўл уришдан уялмадилар. Оқибатда бугунги кунда иккаласига ҳам эгик бош билан ўз қилмишларини изоҳлашларига тўғри келяпти. Чунки уларга нисбатан туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими томонидан жиноят иши очилиб, суриштирув ўтказилмоқда.

Текширувлар жараёнида, шунингдек, Наманган шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Гуландом-гулдаста» хусусий фирмасига қарашли савдо дўконида савдодан тушган 24,5 миллион сўм, Тўрақўрғон туманидаги «Тўрақўрғон эффект савдо» хусусий фирмасининг дўконида 10,2 миллион сўм, Косонсой туманидаги «Мафтункор Диёр» хусусий фирмасида эса 217 миллион сўм нақд пул назорат-касса машинасига кирим қилинмасдан, ҳатто бу маблағлар банк муассасаларига топширилмагани аниқланди. Пировардида текширув ҳужжатлари тегишли чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга тақдим этилди.

Бунга ўхшаш ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, вилоятда нақд пул тушумини кўпайтириш мақсадида ҳар ойда мавжуд савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида хронометражлар ва назорат тадбирлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, нақд пул тушиши мумкин бўлган барча манбаларни қамраб олиш учун инкассация бошқармасидан ҳар ўн кунда харидоргир маҳсулотлар учун пул кўчирилиб, нақд пул тушумини кам топшираётган субъектларга оид маълумотлар профилактик таҳлил қилинмоқда.

Шу билан бирга, 2005 йил давомида 754 та қисқа муддатли текшириш ўтказилди. Натижада 235 ҳолатда 626,6 миллион сўм нақд пулни назорат-касса машинасига кирим қилмаслик, 475 ҳолатда 1164,1 миллион сўм савдо тушумини банкка топширмасдан, бошқа мақсадларга сарфлаб юбориш, 115 ҳолатда эса 26,3 миллион сўмлик товарни сотишдан тушган маблағни кирим қилмаслик каби қоидабузарликларга йўл қўйилгани аниқланди.

Умуман, ўтган йили вилоятда бу йўналишда олиб борилган ишлар туфайли белгиланган савдо тушуми топшириғи 102,2 фоизга бажарилиб, аҳолига биринчи даражали тўловлардан бўлган қарздорлик тўлиқ нақд пул билан таъминланди.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси жорий йилда ҳам ана шу тажрибаларни изчил давом эттириш учун тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, шу асосда иш юритмоқда. Бунда, табиийки, бошқарманинг ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар билан ҳамкорлиги ўз самарасини бераётир.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИҚТИСОДИЁТ янгиликлари

## Янги трамвайлар келтирилади

***“Тошшаҳартрансхизмат” уюшмасидан олинган маълумотларга қараганда, пойтахт кўчаларида тез орада янги 60 та трамвай аҳолига хизмат кўрсата бошлайди.***

Россиядаги “Уралтрансмаш” заводида ишлаб чиқарилган “Спектр 71-402” русумидаги 2 та трамвай синовдан муваффақиятли ўтгани боис, томонлар яна 60 та шундай транспорт олди-сотдиси бўйича шартнома имзолашди.

Маълумки, ёз ойларида пойтахтимизда ҳарорат кўтарилиб кетади. Трамвайнинг қорайтирилган ойналари, шунингдек, бошқариш ва ўриндиқларнинг қулайлиги жоннинг роҳати. Ушбу транспорт турининг яна бир афзал жиҳати экологияни бузмайди.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

## Қулай ва тежамли

***Наманган вилоятида кўплаб хонадонлар янги, такомиллаштирилган электр ҳисоблагичлардан фойдалана бошлади. Тошкентдаги “HENAN JINQUE ELEKTRIK CO. Ltd” Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган мазкур ускуна бир қатор афзалликларга эга.***

Жумладан, ҳисоблагичнинг кўзгусидан ўтаётган рақамлар хонадон соҳибини тежамкорликка чорласа, айрим қўли қинғир истеъмолчиларнинг ҳисоб-китобни чалкаштириш мақсадидаги уринишлари эса иш бермайди.

Шу боис Учқўрғон туманидаги “Ёрқинбойчек” ва “Баҳриобод” маҳаллаларидаги 600 хонадон соҳиблари вилоятда биринчилардан бўлиб электрон ҳисоблагичларини янгисига алмаштиришди. Натижада биргина “Гулистон” кўчасида истиқомат қилувчи Сафияхон Жўраеванинг хонадонида электр қуввати сарфи охирги икки ярим ичида ўтган йилнинг шу давридага нисбатан 142 киловатт-соатга камайди.

Вилоят нурчилари ҳозиргача 18 мингдан ортиқ истеъмолчи фойдаланаётган ҳисоблагичларни янгисига алмаштириб бердилар. Ҳисоб-китобларга кўра, 2008 йил охирига бориб, барча хонадон, корхона, ташкилот ва муассасалар шу турдаги ўлчагичлар билан тўлиқ таъминланади.

**Ўз мухбиримиз.**

## Банк ходимлари ўқуви

***Акционерлик-тижорат “Пахтабанк”ининг Самарқанд вилояти бошқармасида Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларидаги мини банклар бошқарувчиларининг ўқув-семинари ташкил этилди.***

“Замонавий банк иши” ўқув дастури доирасида уюштирилган ушбу тадбирда республика Марказий банки, АТ “Пахтабанк”и ва минтақавий банк ўқув маркази ходимлари ва мутахассисларининг пул-кредит сиёсати, касса операцияларини ташкил этиш ва амалга ошириш, мини банклар фаолиятини юритиш, фермер хўжаликларини кредитлаш механизми ҳамда уни амалга ошириш тартиби каби мавзуларда маърузалар тингланди.

**Адҳам ҲАЙИТОВ.**

## Ҳунарманд номи ЮНЕСКО китобига битилди

***Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган “Ташаббус-2005“ кўрик-танловининг “Энг яхши ҳунарманд” номинацияси бўйича ғолиби, марғилонлик Турғунбой Мирзааҳмедов фарзандлари Расулжон, Фозилжон, Ғанишер ва Абдуллажон билан ўтган йили ЮНЕСКО шафелигида Бухоро шаҳрида ўтказилган халқаро ҳунармандлар фестивалида фахрли ўринни эгаллаган эди.***

Тошкентда Корея ишбилармонлари ва тадбиркорлари иштирокида уюштирилган кўргазмада ҳам ушбу сулола вакили Расулжон томонидан тўқилган бахмал 2-ўринга лойиқ деб топилганди.

Яқинда ЮНЕСКО бош қароргоҳидан хушхабар келди. Унда айтилишича, Расулжон Марзааҳмедовнинг номи ана шу ташкилотнинг “Фахрий китоби”га киритилибди.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.**



## Хизмат тури кенгаймоқда

***«Тўрткўл тумани 1-машина-трактор парки» ҳиссадорлик жамияти жамоаси фермер хўжаликлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга сифатли техник таъмирлаш хизмати кўрсатиб келмоқда.***

Жамоа тасарруфидаги қишлоқ хўжалик техникалари ҳамда турли русумдаги автоуловлар миқдорининг ортиши эса мижозларга кўрсатиладиган хизмат турларини кенгайтириш имконини бермоқда.

Биргина 2005 йилнинг ўзида ҳиссадорлик жамияти аъзолари томонидан 82 миллион сўмлик иш бажарилди. Жорий йилда бу борадаги кўрсаткич янада ортиши кутилмоқда.

**СУРАТДА: ҳиссадорлик жамияти ҳайдовчиси Рўзимбой Сейтназаров.**

**Бердиниёз АЛЛАШЕВ (ЎзА) олган сурат.**

*Миллатга, Ватанга эҳтиром — аёлга, онага эҳтиромдан бошланади. Аёлини асраган эл қудратли, онасини эъзозлаган фарзанд толеи баланд бўлади. Дунёдаги жамики буюк зотлар, жаҳонгирлар оқила ва доно оналар, гўзал табиатли аёллар бағрида улғайишган.*

# ҲАЁТИМИЗ ГУЛТОЖЛАРИ



Жаҳонгир Искандар ҳам ҳатто умрининг сўнгги дамларида дунё шоҳлигидан она остонаси тупроғига айланишни афзал билган. «Даст ба кору дил ба ёр» дея одамларни руҳий поклikka чорлаб ўтган Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари эса аввал оналари Орифа бегимни зиёрат қилишни васият қилган эканлар.

Онани, аёлни улуғлаш бизга ана шундай буюклардан қолган меросдир.

Янги ҳаёт барпо этиш йўлидан бораётган юртимизда эса аёлга, онага, оилага муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги қувончли ҳолдир.

Президентимизнинг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузини янада ошириш, уларнинг жамоатчилик ва сиёсий фаолиятини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда кўҳна ва навқирон шаҳри Хўқанди Латифда 210 мингдан зиёд аҳолининг 109 мингини хотин-қизлар ташкил этади. Шаҳримизда истиқомат қилаётган хотин-қизларнинг 59 мингдан зиёди меҳнатга қобилиятли аёллар ҳисобланади.

Шаҳарни 2006-2010 йилларга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ қилинишида аёлларимизнинг ўрни салмоқли. Бугунги кунда 150 дан зиёд аёллар раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатаётган бўлса, халқ депутатлари шаҳар кенгашининг 32 фоизини хотин-қизлар вакиллари ташкил этади ёки 5 нафар аёл ўз-ўзини бошқариш органлари раисларидир.

## Аёл ва жамият

Маҳалла фуқаролар йиғинларида аёллар ўртасида касаначиликни ташкил этиш кенг авж олмоқда. Ушбу йилнинг ўзидаёқ Қўқон «Шоҳи атлас», «Қўқон нон» масъулияти чекланган жамиятларда касаначилик учун 30 дан зиёд иш ўринлари яратилди. Одинахон Акрамова, Венера Калимулина, Гулчеҳрахон Саидалиева сингари аёллар тикаётган зардўзи либослар, рўмолу палаклар шаҳар бозорларидан ошиб, қўшни вилоятлар бозорларини ҳам эгалламоқда.

Шаҳарда ўсмир қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида 3 та поликлиникада гинеколог шифокорлар фаолият кўрсатаётган бўлса, ФҲДЁ бўлимида ҳар ойнинг охирги шанбасида «Ёш оилалар университети» иш олиб боради.

Дастурда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаолликлари, ҳуқуқий билимларини бойитиш борасида хотин-қизлар қўмиталари олдига муҳим вазифалар қўйилган. Якка-ёлғизлар, кам таъминланган ҳамда ногирон аёлларнинг ҳолидан хабардор бўлиш, уларни моддий қўллаб-қувватлаб бориш қўмитамиз олдидаги асосий вазифалардан биридир. Ўтган йили 7 нафар 100 ёшли, 106 нафар якка-ёлғиз, 15 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва кам таъминланган аёллар йўқланган, саҳоватпеша ҳомийлар томонидан мурувват ёрдамлари уюштирилган бўлса, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да хайрли ишларнинг кўлами янада кенгайиши кўзда тутилган.

Хотин-қизлар қўмитаси, айниқса, маҳаллаларда ёшлар тарбияси, ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олишда оила — маҳалла — мактаб, концепцияси асосида умумтаълим мактаблари билан оила ҳамкорлигини узвий олиб боришга алоҳида эътибор қаратган. Шунингдек, аёллар спортини ривожлантириш, айниқса, оилавий спортга «Отам, онам ва мен», «Спортчилар оиласи» спорт мусобақаларига аёлларнинг кенг жалб қилинишига катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда 50 дан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинларида волейбол, теннис, шахмат-шашка, енгил атлетика бўйича спортчи хотин-қизлар командаси мавжуд.

Буларнинг барчаси ҳаётимизнинг гултожи бўлмиш аёлларимизнинг жамиятда тутган ўрнини мустаҳкамлаш, уларнинг фаоллигини оширишга, ҳар доим соғлом бўлишларини таъминлашга қаратилгандир. Негаки, оталар фарзандларига ҳаётнинг асл моҳиятини ақл орқали ўргатсалар, оналар бу эзгу ишни қалби, юраги, туйғулари билан уддалашган.

**Саломатхон АБДУЛЛАЕВА,**
**Қўқон шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси.**



# Зўравонликдан воз кечмоқчи

*Кеча Москвада «ХАМАС» радикал гуруҳи делегацияси аъзолари билан музокаралар бошланди. Бунга қадар Яқин Шарқ муаммосини бартараф этишда иштирок этиб келаётган Европа Иттифоқи, БМТ ва АҚШ вакиллари музокаралар столига ўтиришни кескин рад этишди.*

**Эслатиб ўтамиз, январь ойида Фаластин парламентига бўлиб ўтган сайловдаги «ХАМАС»нинг кутилмаган ғалабасидан сўнг Россия Президенти Владимир Путин ушбу ташкилот делегациясини Москвага таклиф қилганди. Делегация аъзолари икки кунлик сафари давомида Россия ташқи ишлар вазири ва юқори мартабали дипломатлар билан учрашадилар. «ХАМАС»нинг сиёсий етакчиси Халед Машаал Москвада расмий чиқиш қилмоқчи. У ўзининг бу чиқишида ташкилот бундан кейин зўравонлик усулидан воз кечишини билдирмоқчи.**

# ОЛАМ НАФАСИ

## Янгиликлар, воқеалар, далиллар

*Америка разведкаси қўлга киритган маълумотларга қараганда, «Ал-Қоида» террорчилик ташкилоти Ироқнинг турли ҳудудларида бир вақтнинг ўзида катта портлашларни содир этишга тайёргарлик кўрмоқда.*

### Хуружлар авж олмоқда

**CBS News телеканалининг Пентагондан олинган манбага асосланиб тарқатган хабарида айтилишича, террорчилик хуружлари мамлакатда фуқаролар урушининг бошланишига сабаб бўлиши мумкин.**

**Ироқ ҳукумати террорчилик хуружлари содир этилиши мумкин бўлган ҳудудлар, гавжум жойлар ва муҳим бинолар олдида шахсий автомобиллар ҳаракатланишини тақиқлаб қўйди. Эслатиб ўтиш жоизки, сўнгги ўн кун давомида амалга оширилган хунрезликлар оқибатида бир неча юзлаб бегуноҳ одамлар қурбон бўлди. Пентагон вакилининг расмий билдиришича, террорчилик хуружларининг жонланиши АҚШ армиясини обрўсизлантиришга қаратилгандир.**

### Инспекторларга рухсат этилади

**Times of India газетасининг хабар беришича, Ҳиндистон ҳукумати мамлакатдаги 14 та ядро объектларига халқаро инспекторларнинг киришига рухсат беради. Бироқ манбада келтирилишича, баъзи махфий ҳарбий иншоотларда МАГАТЭ ходимлари текшириш ўтказишига йўл қўйилмайди.**

**Газетада чоп этилган мақолада айтилишича, Ҳиндистон бош вазири Манмохан Сингх яқин вақт ичида мамлакат атом соҳасини ривожлантириш дастурининг барча тафсилотларини оммага маълум қилади. Ҳозирда тахмин қилинишича, ушбу дастур 2014 йилгача мўлжалланган бўлиб, у икки қисмга бўлинади. Уларнинг биринчиси энергия манбаи яратиш бўлса, иккинчисида ҳарбий мақсадлар кўзда тутилган.**

### Собиқ етакчининг янги лавозими

**Албан жангарилари собиқ етакчиси Агим Чеку Косово бош вазири лавозимини эгаллаши мумкин. Президент Фатмир Сейдиу унга ҳукуматни шакллантириш тўғрисида расмий кўрсатма берди. Амалдаги ҳукуматга қайта-қайта эътирозлар билдирилгандан сўнг бош вазир Байрам Косуми истеъфога чиқишга мажбур бўлди.**



**1990 йилда Косово озодлик армиясига қўмондонлик қилган 45 ёшли Чекунинг ушбу лавозимга тайинланиши расмий Приштин ва Белград ўртасидаги алоқаларга совуқчилик тушишига сабаб бўлиши мумкин.**

### Тўфон зарари ортиши мумкин

**Бу йилги тўфон мавсуми олдинги йилларга қараганда анча вайронкор бўлиши мумкин. «Бизда бу тахминни асословчи маълумотлар бор, — дея таъкидлади БМТ Бош котибининг инсонпарварлик масалалари билан шуғулланувчи ўринбосари Ян Игиланд. — Ер сайёрасидаги иқлимнинг кескин ўзгариши бундай табиий ҳалокатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда».**

**Манбада айтилишича, ўтган йили биргина Лотин Америкаси ва Шимолий Америка қитъасида тўфонлар сабаб 3 минг одам ҳалок бўлди, бир неча ўнлаб миллиард доллар зарар кўрилди.**

Бу ажиб дунё

# ЭНГ ҚИММАТ...

— Турмуш кечириш жуда қимматга тушадиган **шаҳар**лар кўп. Аммо ҳеч қаерда яшаш Токиодагидек қимматга тушмайди.

— Ўзида ҳамма қулайликларни мужассамлаштирган Maybach 62 **автомобиль модели** сизга «атиги» 360 минг еврога тушади.

— Энг қиммат **оёқ кийим**ни заргар Стюарт Вайцман яратди. Унга 642 та ёқут билан безак берилган. Баҳоси — 1,6 миллион евро.

— Дэвид Айнхорн (Greetlight Capital фирмаси раҳбари) ўзи бутун умр ҳавас қилган инсон — миллиардер Уоррен Баффет билан **тушлик** қилиш ҳуқуқини 250100 долларга сотиб олган.

— Мусаввир Питер Паул Рубенс томонидан яратилган «Чақалоқни калтаклаш» **полотно**си 2002 йилда 73,5 миллион долларга сотилган.

— Энг қиммат **сигарет** Treasurer маркали тамакидир. Унинг бир қутиси 24 евро бўлиб, фақат махсус дўконларда сотилади.

— Франциядаги La Bonnotte навли **картошка**нинг бир килоси 500 евродан сотилади.

— Дунёдаги энг қиммат **қаҳва** Суматра оролида етиштириладиган Kopi Luwak навли қаҳвадир. Унинг 100 грамми 75 долларга тушади.

— Америкада фазогирлар учун тикиладиган **костюм** 9 миллион доллар туради. Бу айни пайтда дунёдаги энг қиммат **кийим** ҳамдир.

— Энг қиммат **меҳмонхона** Дубайдаги Burj Al Arab меҳмонхонаси. Унинг энг оддий хонасида тунаш учун 770 евро тўлашингиз керак. Люкс хоналарнинг баҳоси эса 7700 евро.

**Дилдора АБДУЛЛАЕВА тайёрлади.**

# Аниқ таклиф бўлмаса-да...



**Венада Эрон делегацияси Европанинг учта йирик давлати — Франция, Германия ва Буюк Британия ҳукумати вакиллари билан музокаралар ўтказмоқда. Халқаро кузатувчиларнинг таъкидлашича, расмий Теҳрон тарафидан бу музокарага янги таклиф киритилмаган. Европа учлиги ҳам бирор-бир таклифни илгари сурмаяпти. Ушбу давлатлар ҳукумати номидан Эрон делегацияси раҳбари Али Ларижа номига юборилган хатда таъкидланишича, бундан кейин расмий Теҳрон БМТ инспекторлари билан ҳамкорлик қилишига тўғри келади.**

**Яқин кунлар ичида МАГАТЭ Эроннинг ядро дастури билан боғлиқ юзага келган ҳолатни баҳолаб, БМТ Хавфсизлик Кенгашига юбориши кутилаяпти.**

*Жиззах вилоят ҳокимлигида ўтказилган йиғилиш Республика Вазирлар Маҳкамасининг жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши кураш чораларини кучайтириш учун профилактик тадбирларни янада яхшилаш борасида қабул қилган қарорларининг жойларда қандай бажарилаётганига бағишланди.*

### Ижро жойида ўрганилди

Йиғилишга вилоятдаги ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, шаҳар-туман ҳокимлари ўринбосарлари, профилактика инспекторлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, кўча оқсоқоллари, халқ таълими ходимлари таклиф этилди.

Тадбир иштирокчилари вилоят ички ишлар ходимларининг жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларга қарши кураш юзасидан олиб бораётган ишлари билан танишдилар. Маҳаллалар фаоллари халқ таълими вакиллари билан ҳамкорликда болалар ўртасида ўтказилаётган тадбирлар кўламини кенгайтириш, таъсирчанлигини ошириш зарурлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

**Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ВАЪДАГА ВАФО — МАРДНИНГ ИШИ



***Бултур хўжалик судлари томонидан қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи хўжалик субъектларининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан 8445 та иш ҳал этилиб, улар фойдасига 23,9 миллиард сўмлик қарз ва етказилган моддий зарарларни ундириш тўғрисида қарорлар қабул қилинди. Қишлоқ хўжалиги субъектлари ҳуқуқларини поймол қилган айбдор мансабдор шахсларга нисбатан 651 та таъсир чоралари қўлланилди. Шунингдек, ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида ўн мингдан ошиқ тарғибот ишлари ўтказилди.***

**2005** йили хўжалик судлари томонидан кўрилган ишлар бўйича шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки маълум даражада бажармаслик оқибатида юзага келган 6286 та низо юзасидан фермер хўжаликлари фойдасига 5,2 миллиард сўм, деҳқон хўжаликлари фойдасига 85 та иш юзасидан 42 миллион сўмлик қарз ва уларга етказилган моддий зарарларни ундириш ҳақида қарорлар қабул қилинди. Албатта, булар яхши. Аммо, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, фермерлар орасида ўз бурч-вазифасига лоқайдлик билан қарайдиганлари, ижарага берилган ерлардан бошқа мақсадларда фойдаланганлари ёхуд нўноқлиги туфайли ер умрини бекор ўтказаётганлари ҳам йўқ эмас. Ана шу боис ўтган йили давлат эҳтиёжлари учун бошоқли дон ва пахта хомашёси харид қилиш бўйича фермер хўжаликлари билан тузилган контрактация шартномаларида кўрсатилган талаблар бажарилмагани учун 2089 та фермер хўжалигига ажратилган 99419 гектар ер майдонини давлат захирасига қайтариш, 11109 та фермер хўжалигидан 14,5 миллиард сўмлик қарзларни ундириш ҳақида даъво-аризалари келиб тушди. Бу ишларнинг барчаси, фермер хўжаликлари раҳбарлари ва аъзоларига муҳокамаларда бафуржа қатнашишлари учун қулайликлар яратиш мақсадида, жойига чиқиб, дала шийпонларида ўтказилган сайёр суд мажлисларида кўрилиб, ҳал этилди. Пировардида, ер муносабатларини тартибга солувчи қонун талабларини бузган 1960 та фермер хўжалигидан 92010 гектар ер майдонини давлат захирасига қайтариш, 10708 та фермер хўжалигидан етти миллиард сўмлик қарзларни ундириш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Шу ўринда бир мисол келтирайлик.

Фарғона вилоятидаги "Истиқлол-98" фермер хўжалиги Ёзёвон ҳокимлиги билан 36,9 гектар ер майдонини узоқ муддатли ижарага олиш юзасидан шартнома тузади. Аммо ердан оқилона фойдаланмайди, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, маъданли ўғитлар бериш чораларини кўрмайди. Устига устак, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро ҳисоб-китобларни ҳам тўғри йўлга қўймайди. Оқибатда ҳосилдорлик камайиб кетиб, пахта топшириш режаларини муттасил равишда уддалай олмайди. 2002 йили уни аранг 27 фоизга, 2003 йили 44,7 фоизга, 2004 йили 35,5 фоизга бажаради.

Ниҳоят, туман ҳокимлиги, махсус комиссия хулосасига таянган ҳолда, "Истиқлол-98" фермер хўжалиги билан имзоланган ер ижараси шартномасини муддатидан олдин бекор қилишни сўраб, хўжалик судига даъво-ариза киритди. Вилоят хўжалик суди низонинг келиб чиқиш сабабларини атрофлича ўрганиб, даъво талабларини тўлиқ қаноатлантирди. Мазкур иш бўйича фермер хўжалиги томонидан келтирилган кассация шикояти Олий хўжалик судининг судлов ҳайъатида кўриб чиқилиб, Фарғона вилояти хўжалик суди томонидан қабул қилинган қарор ўзгаришсиз қолдирилди.

**Абдуназар ЭРДОНОВ, Олий хўжалик судининг бўлим бошлиғи.**










«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

## Ўзбекистон Мустақиллигининг ўн беш йиллигига

# Ассалом, Бахтиёр Она!



*Жажжи дўмбоғини олиб барига*
*Юзидан нур ўпган бугун Она — ким?*
*Буюк келажакни босиб бағрига*
*Эзгулик онлардан мамнун Она — ким?*

*Меҳнат юлдузими, санъат юлдузи,*
*Олима, шоира, деҳқон аёли,*
*Балки сен, балки у, балки мен ўзим,*
*Бу Аёл — ўтмишнинг ширин хаёли!*

*Сен — онам, сен — опам, сен — синглим, қизим,*
*Замонлар юкини кўтара олган.*
*Матонат кучининг теран илдизи —*
*Ҳаёт синовидан ғолиб ўта олган.*

*Сен шундай яралдинг, Ҳурликка тимсол,*
*Юртбошим қалбидан чиққан садодай...*
*Сен шундай яралдинг, мушфиқ дил мисол,*
*Сочларинг силаган саррин сабодай...*

*Иссиқ қучоғингда яйрайди боланг,*
*Олгунча лабидан аримас ханда.*
*Бу шундай лаҳзаки, унутдир олам...*
*Эй тақдир, бу бахтдан этмагил канда!*

*Юксакка талпинган митти қўлчалар*
*Осмондан юлдузни узаман, дейди.*
*Митти хаёлида митти ўйчалар:*
*Эзгулик наҳрида сузаман, дейди...*

* * *

*Мозийни эслайман, бувим Тўмарис*
*Ватан ва эл учун умрини тиккан.*
*Тегинабегимлар жасурга ворис,*
*Улуғ зот Темурни ўзбекка туққан.*

*Тарихга кираман, хаёлан бир зум,*
*Лолақизғалдоққа айланган қонлар...*
*Зиёни чачвонга бекитган тузум*
*Оёғи остида сўнган Нурхонлар...*

*Жасорат, заковат аёлга ҳамдам,*
*Фақат руҳ шикаста, кўнгил шикаста.*
*Ғайратда эркакдан эмас эди кам,*
*Ер юмшоқ бўлганда, осмон ҳам пасда...*

*Ўтмишни кўраман хаёлан бир зум,*
*Болалик чоғларим кечган замонни.*
*Радио остидан кетмасдим ўзим,*
*Жангга кетган опам тирик, омонми?*

*Жароҳат малҳами бўлиб ҳамшира*
*Ота-акаларга қайтарган ҳаёт.*
*Уруш ортида ҳам тинмаган сира,*
*Эркакдан қолмагач уйда бирор зот.*

*Онам етимларнинг силаб бошини*
*Қучоғида сийлаб деди «боламсан».*
*Ёш бошига ортиб ғамлар тошини*
*Деди, сен — қувончим, аччиқ болимсан...*

*Фарзандлар доғида қалби ярадор.*
*«Мотамсаро Она» куяди ҳануз.*
*Қорани ташламас — ҳамон азадор,*
*Қанча қорлар ёғди, ўтди ёзу куз...*

*Ва лекин синмади ирода буткул,*
*Мушкуллар тоғига дош берган аёл,*
*Қанча оғир тортса, шу қадар енгил*
*Қанотин кенг ёзди лочинлар мисол.*

*Мол-ҳолга топшириб тонгда «эшикни»,*
*Керзада лой кечди, сув кечди беҳол.*
*Дарахтнинг шохига илган бешикни*
*Шомгача тебратди муштипар шамол.*

*Елкаси кетмондан қабарган вужуд*
*Тунда нон ёпади, кунда — пахтазор.*
*Ясану тусанга қўймади ружу,*
*Хаёлида «Пахта — бизнинг ифтихор».*

*«Пахта ҳам фронтдир, бўлмас қурбонсиз»,*
*Баландпарвоз шиор чорларди фақат.*
*Тракторга ўтирди кўплаб хотин-қиз,*
*Турсунойлар эсиз, ўтдилар бевақт...*

*Ғўза заҳрин ютган шўрлик Онаизор,*
*Ўйлади, қайданам ногирон болам...*
*Қўлларнинг ажини — бамисли шудгор,*
*Нафис латофатдан йўқди асар ҳам.*

*Етмиш йил тобелик қолдирган доғлар*
*Бугуннинг иқболи ювса-да кетмас.*
*Шаҳидлар хунидан унди гулбоғлар,*
*Эҳ-ҳе... ёзаверсам, қоғозим етмас.*

*Шунда ҳам енгилмас номус орлиги*
*Ҳақиқат тоғига суянди интиқ.*
*Ростмикан аёлда қирқ жон борлиги,*
*Гул каби нозигу темирдан қаттиқ...*

*Етмишга етгунча кўрдимми озни —*
*Билган, билмагандан бир шингил холос.*
*Меҳрида эритди неча аёзни,*
*Аёлнинг сабрига қойилман, хуллас.*

* * *

*Йўл босдик, мўл босдик, узундан узоқ,*
*Шукур, етиб келдик ойдин манзилга.*
*Наҳот парчинланди кўринмас тузоқ,*
*Наҳот қисматимиз қутулди зиндан...*

*Кўкдаги юлдуздек йироқ эди Ҳақ,*
*Наҳот кутиб олди асрий эзгулик!*
*Наҳот ўзбек билди ўзни беклик халқ,*
*Наҳот ортда қолди барча кўргулик!*

*БМТда таниб юртим байроғин*
*Кўзимда ёш билан балқди ифтихор.*
*Давлатлар сафида шахдам бормоғи*
*Жаҳоннинг наздида топди эътибор.*

*Ҳавасим келтирар фозила қизлар*
*Вашингтон, Токио, Пекин, Лондонда...*
*Илм олиб, илм бериб, минбардан сўзлар,*
*Бундай Эрк бўлганми, қайси замонда?!*

*Истайман ҳамиша «Мода қувиш» деб,*
*Назокат, иффатдан кетмасак йироқ.*
*Хонатлас, адраслар ўзбакона зеб,*
*Қоракош, кўзларга ярашур ҳар чоқ.*

* * *

*Бахтиёр кунимдан мен эдим сармаст,*
*Ҳушимга келтирди кўққисдан портлаш...*

*Жоним оромига кимдир қилди қасд,*
*Неварам чўчиди уйқу аралаш...*

*Ўнгми бу, ё жангни эслатган бир туш,*
*Томини тарк этди кўрқиб кабутар.*
*Чирқиллаб қочишди қушлар фаромуш,*
*Барчани уйғотди ғафлатдан хатар.*

*Осуда турмушни бузди қай ёвуз,*
*Оналар қалбига солди таҳлика.*
*Қай кўзни кўр қилди Ватан берган туз,*
*Кимлар панжа урди Мустақилликка?!*

*Қайси гўрдан чиқди ваҳший одамкуш,*
*Тошкентим ҳуснига қўймоқчи чипқон.*
*Иймонни унутди қай ватанфуруш,*
*Кимларнинг қўлида қадаҳ тўла қон...*

*Даҳо Бобур Мирзо руҳини янчиб*
*Нечун бош кўтарди бир сиқим шайтон?!*
*Оналар бағрига изтироб санчиб*
*Йиғлатди, йиғлади тунда Андижон.*

*Ниқоби турлича — аён жаҳонга,*
*Турқи бир, мақсад бир — «сохта исломчи».*
*Эркимизни қамаб яна чачвонга*
*Тафаккур, равнаққа кишан солмоқчи.*

*Ўзини ургандек ўтга капалак,*
*Оғу қармоғига тушди аёл ҳам.*
*Қанотлари куйиб бўлди жизғанак,*
*Энди виждонини кемирар алам.*

*Кир сувдай машъум кун кетди-ку оқиб,*
*Ёвузга ёғилди лаънатлар тоши.*
*Ўзлари қазиган чоҳга йиқилиб*
*Тазарру-тавбага эгдилар боши...*

*Жароҳат тузалди, ҳаёт измида,*
*Аммо юракларни тирнаб яра-из*
*Қайси бир хонадон ғамнок, азада,*
*Оналар фарзандсиз, фарзанд онасиз...*

*Солнома битибдур: зўрликлар бекор,*
*Халқ уммон, хас каби улоқтирар ул.*
*Мағфират нолойиқ, ўта гуноҳкор*
*Ер ҳам ўз қаърига қилмайди қабул.*

*Оламга вабодай ёпишган террор*
*Бор экан онгимиз ҳамиша уйғоқ.*
*Муқаддас бурчимиз — кекса, ёшки бор*
*Ватанни асрамоқ, элни асрамоқ!*

* * *

*Дейдилар, Ойнинг ҳам ярми қоронғу,*
*Ўн беши куррани этур нурафшон.*
*Зулмат ортимизда,*
*Бу ёғи ёғду.*
*Қуёшдек порлайди ҳур Ўзбекистон!*

*Кўркам чиройига эл-элат мафтун,*
*Янгидан ясанди қишлоқ ва шаҳар.*
*Меҳнатда шукрона ризқимиз бутун,*
*Ишонч-ла уйғонар юртим ҳар саҳар.*

*Ўн беш йилни кечдик,*
*Йўллар паст-баланд,*
*Юз йиллик манзилга етгаймиз омон.*
*Ёндириб яшатган зафарлар билан*
*Бизга муносибдир мустақил даврон!*

*Аёллар юзида — Ватан кўзгуси,*
*Аёл кулиб турса — демак у бахтли.*
*Аёлнинг гуллардек турфа орзуси,*
*Эзгулик шонига у мангу ҳақли!*

*Буюк келажакнинг илдизи унган,*
*Яшнайвер Ватаним, чўққилар сари.*
*Истиқлол Аркининг кифтига қўнган*
*Парвозга шайланган Лайлак сингари!*

**Гулчеҳра ЖЎРАЕВА**

---

Гулистондаги "Ёш томошабинлар" халқ театри "Олтин жўжа" асарини томошабинлар ҳукмига ҳавола этди. В. Орлов асари асосида умидли режиссёр Жаҳонгир Бозорбоев саҳналаштирган ушбу асарда барча даврларда ҳам долзарб ҳисобланган инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ҳақида ҳикоя қилинади.

## «Олтин жўжа» саҳнада

Эзгуликнинг буюк қудрати тараннум этилади. Спектаклнинг асосий қаҳрамонлари образини Жаҳонгир Бозорбоев, Нодира Ҳайитбоева, Баҳодир Музаффаров сингари ёшлар ижро этишган. Асар қаҳрамонларининг ҳаёт тарзи, кечинмалари томошабинни бефарқ қолдирмайди.

"Олтин жўжа" драмаси вилоят маркази ва туманлардаги ўқув юртларида намойиш этилади.

*Ўз мухбиримиз.*

# НАЗАР ОТА МАҚБАРАСИ

**Назар ота мақбараси Хоразм вилояти Боғот туманидаги «Бешариқ» қишлоғида жойлашган. Унинг авлод-аждодлари шажараси битилган китоб Тўрткўлда сақланмоқда. Ҳозирда Назар ота масжидида сақланаётган, ҳижрий 1325 йилда Хива ҳукмдори Абдул Музаффар вал Мансур Саид Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон муҳри билан битилган ёрлиқда Назар ота уруғидан бўлган 21 нафар хўжалар оиласини, авлодларини ўша даврдаги солиқлардан, ҳашар-қазувлардан озод қилиш кўрсатилган.**

### Осори-атиқаларимиз

Хўш, Назар ота ким бўлган? У киши ўз даврининг авлиёларидан бири эди.

Мақбаранинг бугунги кўриниши 1992 йилда тикланди. Айтишларича, бунгача ҳам икки марта қайта тикланган экан. Иккинчи марта бунёд этилган мақбара ҳам йиллар тўзонида яроқсиз ҳолга келиб қолган эди. Маҳалла аҳли ва эл-юртнинг хайр-эҳсони билан маблағ жамланди. Усталар ҳам ўзларидан чиқди. Рассом Ибодулла Абдуллаев, Олимбой Жуманиёзов, тўрткўллик уста Раҳимберди Худойбергановлар кўҳна тарихни «жонлантирдилар». Иккинчи жаҳон уруши шаҳидлари хотирасига ёдгорлик ўрнатилди, боғ ҳосил бера бошлади. Маҳалла аҳли уларга елкадош бўлиб, савобли ишга ўз ҳиссасини қўшди. Айниқса, ободонлаштиришда елиб-югурган марҳум Одамбой Раҳматуллаев хотираси ҳамиша эъзозда.

Мақбаранинг кунчиқар томонида Назар ота тузи бор. Ундан кишилар тери ва бошқа бир қанча касалликларни даволашда фойдаланганлар. Масжид ичида қудуқ жойлашган. Сувини хосиятли дейишади.

Аждодларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи муқаддас масканларни асраш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

**Азамат САФАРОВ,**
**«Маънавият ва маърифат» маркази Боғот туман бўлими раҳбари.**

# Ботировнинг шогирдлари

Абдижаббор Ботировни болалар яхши кўришади. Унга муносиб шогирд бўлишга интилишади.

Абдижаббор ҳали ўттизга кирмаган йигит. Қадам олишлари-ю гапиришларидаги мулойимликни кўриб уни спортнинг жанговар тури — таэквандо бўйича нуфузли белбоғ соҳиби деб ўйламайсиз.

Кўзлари ҳамиша кулиб турадиган шу спортчи дастлаб қишлоғида тўгарак очди. Ишонаверинг, юзлаб шогирдларни жаҳон ва республика мусобақалари гиламларига олиб чиқди. Тўгарагига қишлоқ қизларини жалб қилди. Ҳозир у вилоят таэквандо федерацияси раиси. 8 ёшдан 17 ёшгача бўлган ўғил ва қиз болалар қўша-қўша олтин ва кумуш медаларни қўлга киритиб, федерация довруғини оламга ёймоқдалар.

### Болалар спорти

Таэквандонинг WTF йўналиши бўйича Қумқўрғонда ўтказилган галдаги Республика беллашувларида ҳам Ботировнинг шогирдлари умумжамоа кўрсаткичлари бўйича ғолиб келди. "Алпомиш II очиқ турнири" деб номланган бу беллашувга бўлса Исмоил Шоймкулов бошлиқ "Шерободсувқурилиш" очиқ турдаги акциядорлик жамияти ҳомийлик қилди. Жамият турли вазнлар бўйича майдонга тушган қарийб 100 га яқин спортчига совринлар улашди.

— Бошқа соҳани билмадиму, лекин ҳар бир боланинг спорт бўйича ўз мураббийси бўлмоғи керак, — дейди Абдижаббор. — Спорт болага қатъият ато этади. Бўлажак марраларни нишонга олишга, ўша нишон сари талпинишга ўргатади.

Ботировнинг бу гапи биргина Сурхондарё мактабларининг ўзида икки ярим мингтага яқин жисмоний тарбия ўқитувчиси ишлаётганини эслатди. Қани эди ўша ўқитувчилар ҳам Абдижабборга ўхшаб ўз шогирдлари билан ғурурланиб юрадиган бўлишса.

**О. УСАНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**


«ИПОТЕКА-БАНК»

IPOTEKA BANK

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ИПОТЕКА БАНКИ

ягона баланс ва пластик карточка тизимлари учун маълумотлар базаси серверлари, компьютер ва периферия қурилмаларини етказиб бериш бўйича

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тендер шартлари ва техник топшириқларни 2006 йил 26 мартгача, тендер комиссиясига ёзма мурожаат орқали олиш мумкин.

Тижорат таклифлари 2006 йил 4 апрель соат 12.00гача қабул қилинади.

Тендерда қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 17-уй.
Телефонлар: 133-11-22, 133-12-85, 133-36-82.

2245Н/241



Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотларни тўлалигича қуриб «калити билан» фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдолари эълон қилади:

| № Лот | Объект номи ва манзили | Қурилиш муддати |
|---|---|---|
| | Лот 1 — 5 | |
| Лот-1 | Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани, Чоштепа қишлоғидан Эшимоқсоқ қишлоғигача газ тармоғи қурилиши | 4 ой |
| Лот-2 | Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Полмуғоб ва Кафтархона қишлоқларида газ тармоғи қурилиши | 4 ой |
| Лот-3 | Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Хўжасоат ва Темур қишлоқларида газ тармоғи қурилиши | 4 ой |
| Лот-4 | Самарқанд вилояти, Ургут тумани, Бахрин, Нусбат, Кенагаз қишлоқларида газ тармоғи қурилиши | 5,5 ой |
| Лот-5 | Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Дагар Очилов ш/хда газ тармоғи қурилиши | 4,5 ой |

Савдо ташкилотчиси — **Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.**
Буюртмачи манзили — **Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй.** Телефон: **(8-3662) 35-82-86.**
**Қурилиш ишлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

**Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 2-Г корпус, 208-хона.**
**Телефон: 33-32-00. Факс: 31-13-51.**

*Танлов ҳужжатлари битта ЛОТ тўпламининг қиймати — 50 000 (эллик минг) сўм.*

*Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдонида соат 18.00да, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.*

2243Н/400



«ТОШКЕНТ УНИВЕРМАГИ» ОАСИЧЖ СУПЕРМАРКЕТИ (ЦУМ)




2006 ЙИЛ 5 МАРТ — ЯКШАНБА КУНИ ОДАТДАГИДЕК СОАТ 9.00дан 19.00гача ИШЛАЙДИ.

2238Н/413


«Қизилқумцемент» ОАЖ жамоаси Навоий кон-металлургия комбинати бош муҳандиси **Евгений ТОЛСТОВнинг** фожиали вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси университет тарих кафедраси собиқ доценти **Ҳаким Отакаевич РАҲМАТОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Қизилқумцемент» ОАЖ жамоаси Навоий кон-металлургия комбинати бош механиги ўринбосари **Андрей ВАЩЕНКОнинг** фожиали вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси университетнинг Бухгалтерия ҳисоби ва аудит факультети декани, доцент Ўктам Эшбоевга падари бузруквори **ТОШТЕМИР отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 557. 34883 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Б. Ғофуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 21.40 23456